

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯХШИЛИКОВ ЖАҲОНГИР ЖӢРАБОЕВИЧ**

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ  
ТАМОЙИЛЛАРИНИ БИЛИШНИНГ ФАЛСАФИЙ МЕТОДОЛОГИК  
АСОСЛАРИ**

**09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари (ҳуқуқ фалсафаси)**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БӢЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавние автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
философским наукам**

**Contens of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Яхшиликков Жаҳонгир Журабоевич**

Мустақиллик йилларида фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини

билишнинг фалсафий методологик асослари ..... 5

**Яхшиликков Жаҳонгир Журабоевич**

Философско-методологические основы познания принципов

гражданского права за годы независимости..... 19

**Yakhshilikov Jahongir Juraboyevich**

Philosophical methodological basis of knowledge of the principles

of civil law during the years of independence ..... 33

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of publications

Список опубликованных работ..... 37

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯХШИЛИКОВ ЖАҲОНГИР ЖЎРАБОВИЧ**

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ  
ТАМОЙИЛЛАРИНИ БИЛИШНИНГ ФАЛСАФИЙ МЕТОДОЛОГИК  
АСОСЛАРИ**

**09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари (ҳуқуқ фалсафаси)**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fal29 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдухоликов Сафар Окназарович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Гулямов Саид Саидахарович**  
юридик фанлари доктори, профессор

**Худойбердиев Исматилло Эгамбердиевич**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rektor@samdu.uz](mailto:rektor@samdu.uz) Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.О.Тураев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

**Х.А.Джуракулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа доктори (PhD)

**Қ.Н.Назаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида фуқаролик ҳуқуқи методологиясини амалиётга қўллаш борасида улкан тажриба мавжуд бўлиб, айни пайтда, цивилизацион тараққиёт босқичида фуқароларнинг шахсий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фуқаролик ҳуқуқининг тамойилларини фалсафий тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур ҳуқуқ ва эркинликларни ҳар томонлама кафолатлаш учун ҳар бир давлатдан халқчиллик тамойилларига мувофиқ тарзда фуқароларининг барча ҳақ-ҳуқуқларини қонунчилик асосида таъминлаш механизмларини яратиш ва уни ишга туширишнинг ҳаётий зарурият эканлиги долзарб фалсафий-ҳуқуқий масала ҳисобланади.

Жаҳон фалсафий тадқиқотлар тизимида ҳуқуқий билимлар, амалиёти, фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари ва методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларининг фалсафий-ҳуқуқий ва илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш муҳим масала саналади. Фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг сабабиятидан, жумладан, хўжалик юритиш маданиятининг субстанционал доиравий айланишидан зарурий равишда келиб чиқиб, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг муайян йўналишини белгилайди. Бу эса нигилистик тамойиллардан воз кечиб, янгича инновацион характердаги ҳуқуқ ижодкорлигини йўлга қўйиш, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг манфаатлари, тенглиги, эркинлиги ҳуқуқий меъёрларга мослигини таъминлаш муҳим масаладир. Фуқаролик ҳуқуқининг субстанционал элементларининг генетик боғланишларидан келиб чиқадиган қонуниятлар, хусусан, фуқаролик ҳуқуқи ва унинг тамойилларига бўлган эҳтиёжлар, ҳуқуқ ижодкорлиги натижаларининг ҳаётга мувофиқлик ёки номувофиқликни аниқлаш фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини фалсафий тадқиқ қилишнинг долзарблигини билдиради.

Мамлакатимиз миллий ҳуқуқ тизими тикланиш босқичидан, янги юксалиш босқичига ўсиб ўтар экан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, кафолатлаш, ҳимоя қилиш масаласи янада долзарблашиб бориши табиийдир. Чунки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шахсий дахлсизлиги фуқаролик жамиятини барпо этишнинг тамал тоши ҳисобланади. «Қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, қонунлар мазмун-моҳиятини халқимиз ва ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга»<sup>1</sup>. Бу эса, инсон манфаатларининг асоси ҳисобланган, фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини фалсафий жиҳатдан таҳлил этишни тақоза этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.– Б.209.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, шунингдек, ПФ-5268-сон «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва 2018 йил 10 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқида илгари сурилган «БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси»ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тўғрисидаги таклифи ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мустақиллик йилларида мамлакатимизда С.Абдухаликов, Ш.О.Мамадалиев, К.В.Джавакова, Ф.А.Мусаев<sup>1</sup>, Ф.Х.Қўчқарова ва бошқалар ҳуқуқий-фалсафий йўналиш бўйича биринчилар қаторида илмий тадқиқот ишлари олиб бордилар. Шунингдек, ўзбек ҳуқуқшуносларидан М.Х.Баратов, И.Б.Зокиров, Ф.Б.Ибратов, А.А.Муҳаммадиев, И.И.Насриев, О.Окюлов, Ҳ.Р.Раҳмонқулов ва бошқалар Ўзбекистонда фуқаролик ҳуқуқи ва унинг тамойилларини ишлаб чиқиш борасида салмоқли илмий-тадқиқот ишларини бажарганлар.

Хорижлик Айналем Ф.Легал, К.Вибухт<sup>2</sup>, Г.Жеймс, А.Тайлор фон Меренларнинг асарларида фуқаролик ҳуқуқининг методологик масалаларига бағишланган кўплаб ижобий фикрлар учраса-да, бироқ уларда ҳуқуқий воқеаликни изоҳлаш масаласи догматик асосдаги юридик позитивистик ва прагматик ёндашиш орқали ҳал этилган.

Ҳозирги даврда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимлари Л.В.Воласатова, Ю.Л.Ершов, А.Н.Климова, Е.Г.Комиссарова<sup>3</sup>, О.А.Кузнецова, В.В.Меркулов, Р.И.Ситдикова, А.Н.Танага ва бошқалар томонидан фуқаролик ҳуқуқига оид илмий тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, уларда фуқаролик ҳуқуқининг турли томонлари тадқиқ қилинган.

Юқорида номлари келтирилган тадқиқотчи олимларнинг тадқиқот ишларида фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг фалсафий методологик асослари алоҳида ўрганилмаган. Шунингдек, бу ишларда фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг диалектик ва синергетик тарзда ҳаракатланишининг ижтимоий-фалсафий масалаларини ёритишга эътибор қаратилмаган.

<sup>1</sup>Қаранг: Мусаев Ф.А. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришининг фалсафий-ҳуқуқий асослари. Фал. фан. д-ри. дисс. автореф.-Т., 2008 ва бошқалар.

<sup>2</sup>Vibhute K., Aynalem F. Legal Research Methods. Justice and Legal System Research Institute, 2009. 252 p.

<sup>3</sup>Комиссарова Е.Г. Принципы в праве и основные начала гражданского законодательства. Комиссарова Е.Г. Принципы в праве и основные начала гражданского законодательства. Автореф. дисс. ...докт. юрид. наук. – Екатеринбург, 2002.

Шундан келиб чиқиб, ушбу тадқиқот ишида фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари методологияси билан боғлиқ муаммолар ижтимоий-фалсафий жиҳатдан атрофлича тадқиқ этилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган режанинг «Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури» доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини билишнинг фалсафий-методологик асосларини синергетик ёндашиш воситасида фуқаролик ҳуқуқига хос бўлган объектив қонуниятларини фалсафий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

фуқаролик ҳуқуқининг юридик фанлар тизимидаги ўрни ва унинг тамойилларининг характерли хусусиятларини кўрсатиш;

фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг методологик билимлар тизимида тутган ўрнини аниқлаш;

фуқаролик ҳуқуқини материалистик–легистик тушунишдан холи қилиш тамойилини ёритиш;

фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини билишда XX асрда хорижда шаклланган ҳуқуқнинг фалсафий методологик асосларига муносабатни аниқлаш;

фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини билишнинг фалсафий, ижтимоий ва ҳуқуқий-фалсафий методологик даражаларини кўрсатиш;

фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини билишнинг фуқаролик ҳуқуқига хос трансформациялашган, субстанционал, универсал, структуравий, детерминацион ва функционал алоқадорликларини ёритиш.

**Тадқиқотнинг объекти** фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг ривожланиш қонуниятлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари ва уларнинг синергетик ривожланиш хусусиятларини билишнинг фалсафий-методологик асосларини тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда синергетик, диалектик, тизимли ёндашув, тарихийлик ва мантиқийлик бирлиги, таққослаш, қиёсий абстрактлаштириш, қиёсий-типологик, факториал таҳлил каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқий борлиқни ташкил этувчи инсон бирлиги, эҳтиёж ва манфаат, ҳуқуқий онг, фаолият, ҳуқуқ ижодкорлиги сингари субстанционал элементлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатни ташкиллаштириши асосланган;

ёшларда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришда, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари субстанционал асос эканлиги аниқланган;

фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг субъекти, социал асоси, мотиви, гносеологик асоси, мавжудлик усуллари ва воситалари ҳуқуқ ижодкорлиги ва маданий борлиқ билан ўзаро таъсирланиши очиб берилган;

миллий мазмундаги фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг ўз-ўзини ташкиллаштиришининг корелляцион-функционал ва субстанционал қонунлари фалсафанинг қайтар боғланиш қонуниятига бўйсунishi исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижаларидан давлат органларининг соҳага оид режа ва дастурларини ишлаб чиқишда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти жараёнида ва фалсафий тадқиқот ишларида фойдаланилган;

фуқаролик ҳуқуқи тамойилларидан ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни ҳаётга татбиқ этишда фойдаланишни мувофиқлаштирувчи усул-воситалари аниқлаштирилган;

тез суръатларда ривожланаётган глобаллашув шароитида самарали фоалият кўрсатувчи юқори малакали юрист кадрларда фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини билишнинг янгича тушунишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувларнинг расмий манбалардан олинганлиги ва тамойилларнинг қонунчиликда расмийлаштирилганлиги, тадқиқот ишининг мантиқийлиги юридик фактларга асосланганлиги, хулосаларнинг фуқаролик ҳуқуқий ҳаётида жорий этилганлиги ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, биринчидан, фуқаролик ҳуқуқи фани ва унинг тамойилларини тарихни материалистик тушунишга асосланган эскича фалсафий методологик фикрлардан холи қилади. Иккинчидан, фуқаролик ҳуқуқи фани ва унинг тамойилларини фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг мазмун-моҳиятига хос бўлган объектив қонуниятлар тўғрисидаги тарихни диалектик маданий тушунишга асосланган методологик билимлар билан бойитади. Учинчидан, тадқиқотчиларнинг фуқаролик ҳуқуқи, жумладан, унинг тамойилларига оид синергетик таҳлилдан фойдаланган ҳолда диалектик фикрлашини юксалтиради ва бу билан соҳага оид илмий изланишларининг самарадорлигини оширади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти олий ва ўрта махсус ўқув юртларида «Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси», «Фуқаролик жамияти», «Ҳуқуқ фалсафаси», «Фуқаролик ҳуқуқи», «Фалсафа асослари» ва «Синергетика фалсафаси» сингари махсус курсларни ўқитиш мумкинлигида кўринади. Шунингдек, тадқиқот ютуқларидан мутассади ташкилотлар вакиллари ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни ҳаётга татбиқ этишда ҳам фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мамлакатимиз мустақиллик йилларида фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини билишнинг

фалсафий-методологик асосларини ўрганишга оид тадқиқот бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлашнинг замонавий цивилистик концепцияси доирасида “Инсон ҳуқуқи” ва “Фуқаролик ҳуқуқи” тушунчалари бўйича илгари сурилган илмий, амалий ва методологик ғоялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йилда мўлжалланган иш режасида фойдаланилди. Хусусан, 2018 йил 28 январдан 3 февралгача ҳамда 2018 йил 23-28 август кунлари Самарқанд вилоятида бўлиб ўтган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг замонавий цивилистик концепцияси доирасида “Инсон ҳуқуқ” ва “Фуқаролик ҳуқуқи” мавзулари доирасида маънавий-маърифий тарғибот тадбирларининг дастурларини тайёрлашда ва ижросини таъминлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 14 февралдаги 02/09-165-19-сон маълумотномаси). Натижада аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга ва бу соҳадаги таълим-тарбия тизимини ривожлантиришга хизмат қилган;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари учун фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини билиш ва ҳимоя қилишнинг инновацион усул ва воситаларини қўллаш жараёни билан детерминант эканлиги бўйича илгари сурилган илмий-амалий ғоялардан Адлия вазирлигининг ҳуқуқий тарғибот ишларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2019 йил 15 февралдаги 19/1-6/2801-сон маълумотномаси). Натижада фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини билиш ва ҳимоя қилишга доир илмий, амалий ва методологик ғояларнинг кенг жамоатчиликка тарқалишига эришилган;

янгича миллий мазмундаги фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларининг корелляцион-функционал ва субстанционал қонунлари асосида билиш механизмлари бўйича келтирилган илмий-назарий таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йилга мўлжалланган иш режасида белгиланган вазифалар ижросини бажаришда ҳамда амалга ошириш жараёнларида фойдаланилди (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 15 февралдаги 04-13/740-сон маълумотномаси). Натижада мамлакатимиз ёшларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва уларда янгича ҳуқуқий онгни шакллантиришга, шунингдек, Ватанимиз миллий ҳуқуқий тизимига тўғри ёндаша оладиган чинакам содиқ ёшларни тарбиялашга имконият яратган;

ижодкор зиёлиларнинг инновацион шахс сифатидаги ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли таъминлаш тамойиллари (патентлаш, мулкый жиҳатдан эгалик қилиш, лицензиялаш, инновацион ишланмаларни амалиётда қўллаганлиги учун ҳақ тўлаш)га оид илмий методологик ғояларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2018 йил 27 сентябрдаги ўн олтинчи ҳамда 2018 йил 13-14 декабрдаги ўн еттинчи ялпи мажлиси қонун ҳужжатларини тайёрлаш ишларида фойдаланилди

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2019 йил 9 февралдаги 01/679-2-сон маълумотномаси). Натижада, мамлакатимизда ижодкор зиёлиларнинг инновацион шахс сифатидаги ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатли таъминлаш тамойиллари қонун ҳужжатларнинг моҳиятини очишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола (9 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 168 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда унинг хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Мустақил Ўзбекистонда фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари ва уларнинг фалсафий-методологик билимлар тизимидаги ўрни**» деб аталган биринчи бобида ХХІ аср ўзбек халқининг ривожланиш тарихида инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг эркин меҳнат ва ижод қилишларини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий муносабатларни инновацион ғоялар, илмий-назарий ишланмалар асосида ривожлантириш орқали ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш учун цивилизациялашган ҳуқуқий макон ва замондан ўрин олишга йўналтирилаётганлиги билан янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса ўз навбатида фуқаролик ҳуқуқини, унинг тамойилларига хос бўлган диалектик ва синергетик хусусиятларни илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш орқали, уларни билиш механизмларини яратиш ва амалда ишга туширишни мунтазам равишда йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам мазкур бобда фуқаролик ҳуқуқи, унинг тамойилларига хос бўлган хусусиятлар, уларнинг назарий-методологик билимлар тизимидаги ўрни илмий билишнинг анализ ва синтез, абстрактлик ва конкретлик, тарихийлик ва мантиқийлик, тизимли ёндашув методлари орқали илмий-назарий жиҳатдан ёритиб берилган.

Илмий тадқиқот ишларида ҳуқуқ субъектлар ўртасидаги ижтимоий анланган, мақсадли, яъни маданий муносабатдир деган масалани ёритиш баъзи бир илмий ишларни ҳисобга олмаганда, деярли эътибор берилган эмас. Чунки ҳуқуқ ижтимоий муносабатларнинг тенглик, адолат ва эркинлик моментларидир. Агар ижтимоий муносабатлардаги асосий алоқадорликлар - тенглик, адолат ва эркинлик ўз кафолатланишларини тақоза қилсалар, унда улар ҳуқуқ даражасига чиққан бўлади. Ушбу кафолатланишларни ўз вақтида англаш, уларга мос нормаларни яратиш қонун ижодкорлигининг асосий масаласидир. Шунинг учун ҳам биз бу жараёнларни маданий, деймиз. Унинг кучга киритилган натижалари асосида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тенденцион характердаги ўзгаришлар юз беради. Агар бу муносабатлар – тенглик, адолат ва эркинликнинг кафолатланишлари тақоза қилинмаган бўлса, улар ахлоқ даражасида амал қиладилар. Шунинг учун ҳам ҳуқуқ келишилган мақсадлар асосида деярли ҳокимиятлар кучи ва баъзан ўзаро келишувчилик орқали амалга ошади.

Ҳуқуқ субъектлар ўртасидаги муносабатлардир. Ҳуқуқ субъектларининг икки жиҳати бўлиб, улардан биринчиси ҳуқуқ лаёқати бўлиб, ҳуқуқ субъектининг мавжудлигини кўрсатади. Иккинчиси эса муамола лаёқати бўлиб, бу унинг функционаллик ҳолатини билдиради. Ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий лаёқати субъектларнинг, улар оммавий ва хусусий ҳуқуқда жисмоний ёки юридик шахслар бўлсин, бундан қатъий назар тенглигини тақозо этади ва уни юзага келтиради.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқнинг уч белгиси – тенглик, адолат ва эркинлик фуқаролик ҳуқуқида ўзига хос ҳолда намоён бўлади. Бу асосда биз фуқаролик ҳуқуқи назариясини қуйидаги методологик ғоялар билан тўлдиришни зарур, деб ҳисоблаймиз: фуқаролик ҳуқуқида ҳам муносабат иштирокчиларининг ихтиёрий тенглиги бирламчи ҳисобланади. Шунинг учун бу фан хусусий ҳуқуқ тизимида жойлашган. Бунда иштирокчилар ҳаётий масалаларни ихтиёрий равишда ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қиладилар. Шунинг учун ҳам ихтиёрий тенглик фуқаролик ҳуқуқи барча тамойилларининг ўқ илдизи, куртакланиш манбаи, негизи ва йўналишини ташкил этади. Туркумлаш дастлабки фалсафий билишдир. Фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари ҳаракат диапозони бўйича умумий, соҳалараро, соҳа ва ҳуқуқий институтлар тамойилларига бўлинади. Генезиси ва субординацион генетик боғланишлари бўйича уч гуруҳ – бевосита тенглик, адолат ва эркинликларни ифодаловчи тамойиллардан ташкил топган. Бу тамойилларнинг биринчи гуруҳи фуқаролик ҳуқуқи субъектининг ҳуқуқий лаёқатидан, иккинчи гуруҳи муамола лаёқатидан келиб чиқади ва тенгликни ифодаловчи тамойилларни тўлдиради. Учинчи гуруҳи бевосита муамола лаёқати ва адолатни ифодаловчи тамойиллар негизида таркиб топади. Бу тамойилларнинг биринчи гуруҳидан иккинчи гуруҳи, иккинчи гуруҳидан эса учинчи гуруҳи келиб чиқади. Ҳуқуқ ижодкорлигида тамойилларнинг бу гетереген боғланишларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳуқуқ субъектларининг эркинликларига боғлиқ ҳолда бу тамойилларнинг дунёвий, инсонпарвар, демократик ва байналминал характерлари келиб чиққан. Бу

тамойиллар Ўзбекистон Республикасидаги фуқароларнинг мулкӣ ва мулкӣ характерда бўлмаган эҳтиёжларини қондириш учун фуқаролик ҳуқуқи нормалари орқали зарурий ҳуқуқӣ шароитларни таъминлайди.

Фуқаролик ҳуқуқи фани ҳам, аввало, бор назарий билимдир. Билим инсон онгида тўпланган информациялар мажмуидир. Билим инсон онгининг ижодий хусусияти – билиш натижаларидир. Билим тизим сифатида, биринчидан, методологик, яъни қўлланма даражасидаги ва методологик бўлмаган, умумий ва махсус, кундалик ва назарий, илмий ва янглиш, асосланган ва асосланмаган, ижобий ва салбий, иккинчидан, ижтимоий онг шакллари бўйича табиий – илмий, фалсафий, ижтимоий – фалсафий, сиёсий, ахлоқӣ, иқтисодий, эстетик, ҳуқуқӣ, диний, норматив ва норматив бўлмаган табиат, жамият ва инсон тафаккури тўғрисидаги даража ва шакллар тузилишига бўлинади.

Муайян объектга оид илмий билимлар ўз мантиқӣ изчиллиги ва бир бутунлигида фан даражасига чиқиши учун, биринчидан, ўз методологик базасига, иккинчидан, ўз категориал аппарати ва қонуниятларига ва учинчидан, эмпирик базасига эга бўлиши керак.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбекистонда фуқаролик ҳуқуқи тамаойилларини эскича мафкурадан холи қилиш зарурияти ва уни янгича фалсафий тушунишнинг илмий-назарий аҳамияти**» деб номланган бўлиб, тадқиқотнинг ушбу қисмида барча ҳуқуқлар устқурма сифатида фақат иқтисодий муносабатлардан келиб чиқади, деган қоида ҳуқуқни материалистик ва қонун билан айнанлаштирувчи легистик тушунишлардир. Ҳуқуқ ҳам базисдир, юридик қонунлар эса устқурмадир. Собиқ совет юриспруденциясининг фалсафий негизларини диалектик ва тарихий материализм ташкил этган бўлиб, мафкуравий жихатдан хусусий мулкчиликни тан олмаган. Шунинг учун совет фуқаролик ҳуқуқида мулклар тенглиги тамаойили қоғозда эди. Шунинг учун ҳам И.Зокиров томонидан биринчи бўлиб мулкӣ муносабатларнинг мафкуравий муносабатлардан ажратилганлиги тамаойилини илгари суриши объектив талаб эди. Фуқаролик ҳуқуқига оид тадқиқот ишларида ҳам методологик воситалар санаб кўрсатилмоқда, аммо улар таянадиган муайян тушунишга таянган методологик асос ва манбалар кўрсатилмаяпти. Тўғри, мамлакатимизда фуқаролик ҳуқуқига оид тадқиқот ишларимиз коммунистик мафкуранинг сиёсий ва иқтисодий асосларидан холи қилинган. Аммо коммунистик мафкуранинг ижтимоий - фалсафий негизи – тарихни материалистик тушунишдан холи бўлиш масаласи баъзи тадқиқот ишлари, жумладан, фуқаролик ҳуқуқига оид тадқиқот ишларида очиқлигича қолмоқда. Шунинг учун ҳам Биринчи Президентимиз И.А.Каримов тафаккур услубини ўзгартириш зарурлигини ва жамиятда маданиятнинг белгиловчилик ролини илгари сурган эди. Бундан фуқаролик ҳуқуқига оид муносабатларда ҳам маданийлик белгиловчи аҳамиятига эга, деган хулоса келиб чиқади. Шу сабабдан биз ўз тадқиқот ишимизда маданият, яъни борлиқнинг инсонлар томонидан ишлов бериб тайёрланган қисми – маданий борлиқни жамият мавжудлиги ва ривожланишининг асоси, деб ҳисоблайдиган Ўзбекистон

Республикаси раҳбарияти аъмоли билан боғлиқ ҳолда шаклланган методологик характерга эга янги ижтимоий фалсафий тушуниш – тарих, жумладан, ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш ва унинг пировад мақсади – цивилизацион ёндошишдан фойдаландик.

Юқорида кўрдикки, фалсафий онтология ва диалектика ўртасига узил-кесил «жарлик» қўйиш қийин. Шундай бўлса-да, уларнинг предметлари бир-бирларидан фарқ қилади. Бунда фалсафий онтология қодалари ҳам барча фанлар катори фуқаролик ҳуқуқи фани учун методологик қимматга эга. Фуқаролик ҳуқуқига оид адабиётларда фалсафий билишнинг дастлабки усули – туркумлаш асосида фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари умумий, соҳалараро, соҳа ва ҳуқуқий институтлар тамойилларига бўлинган. Биз фуқаролик ҳуқуқида ҳам генезиси ва субординацион генетик боғланишлари бўйича бевосита тенгликни, адолатни ва эркинликни ифодаловчи уч гуруҳдаги тамойиллар мавжудлигини аниқладик. Бу тамойилларнинг биринчи гуруҳи фуқаролик ҳуқуқи субъектининг ҳуқуқий лаёқатидан келиб чиқади. Иккинчи гуруҳи эса фуқаролик ҳуқуқи субъектининг муамола лаёқатидан юзага келади ва тенгликни ифодаловчи тамойилларни тўлдиради. Учинчи гуруҳи бевосита муамола лаёқати ва адолатни ифодаловчи тамойиллар негизида таркиб топади. Бу тамойилларнинг биринчи гуруҳидан иккинчи гуруҳи, иккинчи гуруҳидан эса учинчи гуруҳи келиб чиқади. Бу тамойиллар фуқароларнинг мулкӣ ва мулкӣ характерда бўлмаган эҳтиёжларини қондириш учун фуқаролик ҳуқуқи нормалари орқали зарурий ҳуқуқий шароитларни таъминлайди. Ҳуқуқий фалсафий билиш ва қонун ижодкорлигида тамойилларнинг бу гетероген боғланишларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Фуқаролик ҳуқуқи ва унинг тамойилларига бўлган эҳтиёжлар ва фуқаролик ҳуқуқи нормаларининг амалга ошиши ўртасидаги нормал муносабат қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши сифатида юз беради. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни фуқаролик ҳуқуқи ва унинг тамойиллари мавжудлиги ва ҳаракатининг манбаини кўрсатиб беради. Бу қонунни билмай туриб, фуқаролик ҳуқуқига хос низоларнинг умумий йўлларини аниқлаб бўлмайди. Фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари иштирокчилар тенглигини қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни доирасида таъминлайди. Инкорни-инкор қонуни эса фуқаролик ҳуқуқида ҳам субъектлар ҳуқуқларидан ҳуқуқий институтларга ва улардан уларнинг амалга ошиши томон бориладиган жараённинг йўналишларини ва унда тамойилларнинг координацион ўрнини кўрсатиб беради.

Диссертациянинг учинчи боби «**Фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини жамият қонуниятлари орқали билиш масалалари**» деб номланган бўлиб, унда Жамиятнинг корреляцион-функционал қонунлари фуқаролик ҳуқуқи объектларининг ижтимоий ҳаёт соҳаларида жойлашган ўрнлари ва функционал ҳолатларини кўрсатиб беради. Бу объектларининг амал қилишига боғлиқ ҳолда эса фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари шаклланади.

Инсон ва унинг бирликлари функционал ҳолатига кўра жамиятнинг барча соҳаларига нисбатан алоқадорликларида ўз-ўзидан ташкиллаштирувчи

ва ривожлантирувчи хусусиятга эга социал асос қонуни бажаради. Бу умумижтимоий алоқадорлик фуқаролик ҳуқуқида фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг белгиловчилиги қонуни кўринишида юз беради.

Моддий ҳаётнинг ядроси - моддий маданият мураккаб диалектик тузилма бўлиб, у жамият соҳаларига нисбатан функционал ҳолати бўйича ўз-ўзини ташкиллаштирувчи характерга эга бўлган моддий асос қонуни бажаради. Фуқаролик ҳуқуқининг асосий объекти мулкчилик муносабатларини юридик тартибга солиш эса моддий маданият тизимида юз беради.

Жамият ҳуқуқий маданияти ижтимоий муносабатларидаги ҳуқуқийликларнинг ишлов бериб яратган қисми бўлиб, улар бир мамлакат ҳуқуқий ҳаётининг ядроси-асосини ташкил этади. У ҳам корреляцион-функционал қонунлардан бири сифатида ижтимоий ҳаёт соҳаларига нисбатан тартибга солиб турувчилик қонунини бажаради. Демак, фуқаролик ҳуқуқи нормалари ва тамойиллари ҳам ҳуқуқий маданий ҳодисалардир. Уларнинг ҳам амал қилиши бир бутун ҳуқуқий маданият тизимида унга бўйсинган ҳолда юз беради.

Жамиятнинг тўртта корреляцион – функционал қонунларида бир бирларини тақоза қилишлар (бу ҳолат синергетик фикрлашда ҳамкорлик маъносида ифода қилинади) ва шу асосда ўз-ўзини ташкиллаштириш мавжуд бўлиб, фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари бу корреляцион – функционал тизимда фуқаролик ҳуқуқи нормаларини мувофиқлаштириб боради. Жамиятнинг тўртта корреляцион-функционал қонунлари бир бирларига нисбатан параллел кучга эга бўлиб, социал асос қонуни атрофида айланадилар. Фуқаролик ҳуқуқининг субстанционал қонунлари тизимида фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари шаклланади, муносабатларни координация қилади ва ҳаётга жорий қилиниши сифатида синовдан ўтади. Бу қонуниятлар тизимида диалектиканинг асосий қонунлари, маданий борлиқ ва ҳуқуқий борлиқнинг субстанционал қонунлари вариацияланади. Уларга боғлиқ ҳолда фуқаролик ҳуқуқий ҳаётидаги жараёнлар, жумладан, тенденциялар келиб чиқади. Фуқаролик ҳуқуқининг система ташкил этувчи субстанционал элементларининг генетик боғланишларидан келиб чиқадиган қонуниятлар, хусусан фуқаролик ҳуқуқи ва унинг тамойилларига бўлган эҳтиёжлар ва фуқаролик ҳуқуқи ва унинг тамойилларига оид ҳуқуқ ижодкорлиги натижаларининг ҳаётга татбиқ этилишлари ўртасидаги мувофиқлик ва номувофиқликни аниқлаш фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини фалсафий билишнинг асосий йўлидир.

Ҳуқуқий борлиқнинг бу система ташкил этувчи субстанционал элементлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари соҳасида ҳам ўзига хос кўринишга эгадирлар.

Бу субстанционал элементлар фуқаролик ҳуқуқи соҳасида фуқаролик ҳуқуқи ва унинг тамойилларининг субъектлари, фуқаролик ҳуқуқи ва унинг тамойилларига бўлган эҳтиёжлар, фуқаролик ҳуқуқий онги, фуқаролик ҳуқуқи ва унинг тамойилларига оид ҳуқуқ ижодкорлиги, фуқаролик ҳуқуқи

ва унинг тамойилларига оид ижодкорлик натижалари, фуқаролик ҳуқуқи ва унинг тамойилларига оид ҳуқуқ ижодкорлиги натижаларининг ҳаётга татбиқ этилиши кўринишларида намоён бўладилар. Уларнинг барчасига онглилик ва мақсадга мувофиқлик хосдир. Шунинг учун ҳам улар маданий ҳодисалардир.

Ҳуқуқ ёки бошқаришга зарурят объектив равишда инсонлар ва улар яратган буюм ва муносабатларда мавжуд. Мана шу табиий ҳолат ҳам фуқаролик ҳуқуқи нормаларига нисбатан базис, яъни негиз ҳисобланади. Базис ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаси – социал. моддий, маънавий, сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётлари соҳаларида объектив тарзда мавжуддир. Устқурма эса устига қурилган, деган маънони беради. Уларни объектив жараёнлар сифатида олсак, базис мазмун, устқурма эса шакл сифатида амал қилади. Ҳуқуқий тамойиллар базис ва устқурма оралиғида жойлашган бўлиб, устқурмани шакллантиради ва амал қилишини белгилайди.

## ХУЛОСА

Амалга оширилган таҳлиллар ва кузатув натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

Мустақиллик йилларида фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини билишнинг фалсафий методологик асосларига оид бўшлиқлар қуйидаги назарий хулосалар билан тўлдирилди:

1. Тадқиқотда ҳуқуқий фалсафий билиш асосида фуқаролар ва бошқа субъектлар ўртасидаги юқорида кўрсатилган объектларга мулкӣ ва мулкӣ характерда бўлмаган шахсий муносабатларни тартибга солиш муайян тамойилларни объектив равишда зарурият сифатида тақоза қилиши аниқланди. Фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг фуқаролик ҳуқуқи кодекси шаклланиши ва амал қилишининг руҳи ва устунини ташкил этиши эса фуқаролик ҳуқуқи фанига оид тадқиқот ишларида асослаб берилган.

2. Ҳуқуқий-фалсафий билиш асосида фуқаролик ҳуқуқида иштирокчиларнинг мулкӣ ва мулкӣ характерда бўлмаган шахсий муносабатларни ҳал қилишда ихтиёрий равишда ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолдаги тенглиги фуқаролик ҳуқуқи барча тамойилларининг моҳиятли характери, куртакланиш манбаи ва ўқ илдизини ташкил этиши аниқланди. Бу манба ўз-ўзини ташкиллаштирувчи ва ривожлантирувчи асослари ҳисобланади. Тамойиллар қонун ва қонун ости ҳужжатларининг синергетик ўқилдизини ташкил этади.

3. Ҳуқуқий-фалсафий билиш асосида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларнинг ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолдаги тенглиги ва эркинликларига боғлиқ ҳолда ихтиёрий ҳуқуқий муносабатга киришишлари фуқаролик ҳуқуқининг моҳиятли характери ташкил этиши ва у фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг дунёвий, демократик, инсонпарвар ва байналминал характерларини белгилаб бериши кўрсатилди.

4. Тадқиқотда илк бор методологик билимлар уч туркум – асос, манба ва восита каби қисмларга бўлиниши, тамойиллар методологик билимлар тизимида қонуниятлар тўғрисидаги билимлар билан биргаликда асос

вазифасни ўташи, моҳиятдан қонуниятли алоқадорликлар келиб чиқиши, тамойиллар эса қонуниятларга асосланган ҳолда шакллантирилиши ойдинлаштирилди. Шунинг учун ҳам тамойилларнинг мазмуни объективликка эга бўлади ва улар қонуниятлар орқали аниқланиб, унда фалсафий билишнинг роли белгиловчиликка ҳамиятига эгадир.

5. Ривожланган ғарб мамлакатларида ҳуқуқни фалсафий билиш соҳасида неокантчилик, неогегелчилик, неотомистик каби тарихни объектив идеалистик ва теологик тушунишлардан, неопозитивистик, прагматик, экзистенциалистик каби тарихни субъектив идеалистик тушунишлардан озиқланиб келинмоқда. Жумладан, ҳуқуқни неопозитивистик тушунишда эмпирик билиш натижаси – позитив ҳуқуқ ҳуқуқнинг бирдан-бир манбаи, деб эътироф этилади. Хусусан, англо-америка юридик позитивизмида ҳуқуқ манбаи суд прецеденти ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси дунёвий йўлдан кетмоқда. Лекин юқорида кўрсатилган фалсафий оқимларга нигилистик позицияда эмас, балки қадриятли муносабатда бўлади. Тадқиқотда таълимотлар маданий ҳодисалар экан, уларда қадриятли томонлар бўлиши ва улардан ижодий фикрлашда қиёсий фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилди.

7. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг система ташкил этувчи субстанционал элементларининг бир бирларини келтириб чиқаришларидан фуқаролик ҳуқуқининг ҳам бир бутунлиги, фуқаролик ҳуқуқининг субстанционал илгарилама доиравий айланиши ва фуқаролик ҳуқуқи ва тамойилларига бўлган эҳтиёжнинг ошиб боришидан иборат субстанционал қонунлари келиб чиқади. Фуқаролик ҳуқуқининг ҳам субстанционал бир бутунлиги қонуни фуқаролик ҳуқуқи тизими ва унинг тамойилларининг механизмини очиб беради. Фуқаролик ҳуқуқининг субстанционал илгарилама доиравий айланиши қонуни фуқаролик ҳуқуқи тизими ва унинг тамойилларининг манбаини ёритиб беради. Фуқаролик ҳуқуқи ва тамойилларига бўлган эҳтиёжнинг ошиб боришидан иборат субстанционал қонун фуқаролик ҳуқуқи тизими ва унинг тамойилларининг синергетик йўналишини аниқлаб беради.

8. Фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг сабабиятидан, жумладан, хўжалик маданиятнинг субстанционал доиравий айланишидан зарурий равишда келиб чиқиб, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг муайян йўналишини белгилайди.

9. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектив ҳуқуқдан объектив институтга ўтилиши ва ундан ҳаётга татбиқ қилиниши ҳам унинг имкониятдан воқеийликка айланишидир. Бу жараёнда фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари фуқаролик ҳуқуқи субстанционал асосларининг аввал биринчи тартибдаги воқеаликка ва сўнгра иккинчи тартибдаги воқеаликка, яъни фуқаролик кодекси нормаларининг ижтимоий воқеаликка жорий қилинишида «кўприк» ва координатор вазифаларини ўтайди, муаммоларнинг ҳал қилиш йўллари, бўшлиқларни кўрсатиб, реал ва зарурий имкониятларни абстракт ва тасодифларидан ажратиб, ойдинлаштириб беради.

10. Хўжалик маданияти ва ҳуқуқий маданиятларнинг субстанционал

қонунларининг ўзаро мувофиқлигидан фуқаролик ҳуқуқига оид қонунлар келиб чиқади. Бу мувофиқликни эса умумий ҳуқуқий тамойиллар ва фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари таъминлайди. Фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг биринчи тартибдаги функционаллиги шу билан белгиланади.

Амалга оширилган таҳлиллар ва кузатув натижасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар берилди:

1. Ҳуқуқий маданиятнинг доиравий айланишининг биринчи босқичидан зарурият шаклида фуқароларнинг мулкӣ ва шахсий ҳуқуқлари ижод қилинади, иккинчи босқичда эса улар расмийлашади, учинчи босқичда эса фактик фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари амалга ошади. Натижада ўзига хос ҳуқуқий ҳаёт сифатида фуқаролик ҳуқуқий ҳаёти ҳам таркиб топади. Бу босқичларнинг негизида фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари ётади, уларсиз фуқаролик ҳуқуқий ҳаётида ҳам бошбошдоқлик бошланади.

2. Фуқаролик ҳуқуқи ва унинг тамойилларининг учта субстанционал қонунларидан фуқаролик кодексининг функционаллиги келиб чиқади ва давлат ҳокимиятининг суверенлиги эса қонун устуворлигини таъминлайди.

3. Фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг самарадорлиги фуқаролик муносабатларининг тартибга солинганлиги, ҳуқуқий онгининг юқорилиги ва ҳуқуқбузарликларнинг камайганлиги билан белгиланади.

4. Фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари фуқаролик ҳуқуқининг субстанционал ва расмий система сифатида бирлиги, ўзаро таъсирлари ва ўз – ўзидан ривожланишларини ташкиллаштириб бориши ва Детерминацион алоқадорликлар тизимида сабабий боғланишларини фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг генетик йўналишларини аниқлашда тамойилларнинг ўз – ўзини ташкиллаштирувчи ва ривожлантирувчи омилдир.

5. Ривожланган ғарб мамлакатларида ҳуқуқни фалсафий билиш соҳасида неокантчилик, неогегелчилик, неотомистик каби тарихни объектив идеалистик ва теологик тушунишлардан, неопозитивистик, прагматик, экзистенциалистик каби тарихни субъектив идеалистик тушунишлардан озикланиб келинмоқда. Жумладан, ҳуқуқни неопозитивистик тушунишда эмпирик билиш натижаси - позитив ҳуқуқ ҳуқуқнинг бирдан-бир манбаи, деб эътироф этилди. Хусусан, англо-америка юридик позитивизмида ҳуқуқ манбаи суд прецеденти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси дунёвий йўлдан кетмоқда. Лекин юқорида кўрсатилган фалсафий оқимларга нигилистик позицияда эмас, балки қадриятли муносабатда бўлади. Таълимотлар маданий ҳодисалар экан, уларда қадриятли томонлар бўлиши ва улардан ижодий фикрлашда қиёсий фойдаланиш мумкин.

6. Фалсафа табиат, жамият ва тафаккур, яъни борлик (ҳар қандай борлик)нинг энг умумий қонуниятлари ҳақидаги фандир. Ижтимоий фалсафа эса ижтимоий борлик, яъни жамиятнинг умумижтимоий қонунлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақидаги фандир. Фуқаролик ҳуқуқи объектлари умумий ижтимоий алоқадорликлар ичида юз беради. Шунинг учун ҳам фалсафа фани қоидалари жамиятнинг ўзаги - маданий борлик орқали намоён бўлади. Шу сабабдан фалсафа фанининг қонун - қоидаларидан ижодий

фикрлашда фойдаланиш тарихни диалектик маданий тушунишга асосланган ижтимоий фалсафанинг бош тамойили – жамиятнинг асосини маданий борлиқ ташкил этади, деган қоидага бўйсиндирилган ҳолда амалга ошади. Шундай экан, фуқаролик ҳуқуқи фани вакиллари ҳам диалектик фикрлашда фалсафа фани қоидаларига таянишлари лозим. Умуман олганда, фалсафий диалектика ҳам, фалсафий онтология ва гносеологиялар ҳам фуқаролик ҳуқуқи ва унинг тамойилларини билишда дунёқараш сифатида биринчи тартибдаги методологик асос вазифасини ўтайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.27.06.2017.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ЯХШИЛИКОВ ЖАХОНГИР ЖУРАБОВЕВИЧ**

**ФИЛОСОФСКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПОЗНАНИЯ  
ПРИНЦИПОВ ГРАЖДАНСКОГО ПРАВА ЗА ГОДЫ  
НЕЗАВИСИМОСТИ**

**09.00.02 – Философия сознания, культуры и форм практики (философия права)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд – 2019**

**Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2017.1PhD/Fal29.**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) вложен в веб-сайт Ученого совета ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) а также в информационно-ресурсный портал “ZiyoNet” ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Абдухоликов Сафар Окназарович**  
доктор философских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Гулямов Саид Саидахарович**  
доктор юридических наук, профессор

**Худойбердиев Исматилло Эгамбердиевич**  
доктор философских наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Ташкентский Государственный  
экономический университет**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета №DSc.27.06.2017.F.02.02 по присуждению ученых степеней доктора наук по философии (DSc) и доктора философии (PhD) при Самаркандском государственном университете в \_\_\_\_ часов «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетская аллея, 15. Тел.: (8366) 239-13-87, (8366) 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40, e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz) Исторический факультет Самаркандского государственного университета, 1-этаж, 105-аудитория)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под № \_\_\_\_). Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019г.  
(Протокол № \_\_\_\_ от «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019г.)

**Б.О.Тураев**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философских наук, профессор

**Х.А.Джуракулов**

Ученый секретарь научного совета, по присуждению ученых степеней, PhD по философии

**К.Н.Назаров**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор философских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На этапе цивилизационного развития, основанного на новаторских идеях и научных и практических разработках в мире, защита прав личности, политических и социальных прав граждан имеет решающее значение для обеспечения прав и свобод человека. Чтобы всесторонне гарантировать эти права и свободы, актуальной философско-правовой проблемой является то, что в каждой стране жизненно необходимо создать и внедрить в жизнь механизмы правоприменительного обеспечения своих граждан.

Важным вопросом является философско-правовое и научно-теоретическое изучение процессов самоорганизации и развития правовых знаний, практики, принципов и методологии гражданского права в мировом философском исследовании. Гражданско-правовые принципы определяют специфический аспект гражданско-правовых отношений, обусловленный причиной гражданско-правовых отношений, в том числе и субстанционального обращения культуры. Важно отказаться от нигилистических принципов, установить новый инновационный характер законотворчества, обеспечить, чтобы интересы, равенство и свобода участников правовых отношений соответствовали правовым нормам. Закономерности вытекающие из генетических связей субстанциональных элементов гражданского права, в частности необходимость гражданских прав и его принципов, наличия соответствия или несоответствия результатов творчества, составляют актуальность философского исследования принципов гражданского права.

Естественно, что проблема обеспечения, гарантирования и защиты прав и свобод граждан становится все более актуальной по мере того, как национальная правовая система поднимается со стадии восстановления на новую фазу развития. Поскольку права и свободы граждан, личный иммунитет являются краеугольным камнем построения гражданского общества. «Важно улучшить правовую культуру в обеспечении верховенства закона, воспитывать граждан в духе уважения к закону, своевременной передачи сути и значения законов нашим людям и исполнителям, а также правильной организации их исполнения».<sup>1</sup> Это подразумевает философский анализ принципов гражданских прав, который является основой человеческих интересов.

Данная диссертационное исследование в определенной степени послужит во исполнение задач, отмеченных в таких нормативно-правовых документах, как Указ Президента Республики Узбекистан № ПП-4947 «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы», а также Указ № 5268 «О дополнительных мерах по усилению гарантий прав и свобод граждан при судебном следствии» и в речи Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзияева от 10 июня 2018

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.– Б. 209.

года на расширенном заседании Совета глав государств-членов ШОС» Международная конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин и Международная конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин и др.

